


ҚУМҚЎРҒОНДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИГА КОМПЬЮТЕР ЖАМЛАНМАСИ ВА ПРИНТЕРЛАР ТОПШИРИЛДИ



Қумқўрғон туманида 61 та маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари фаолият олиб боришмоқда. Туман ҳокимлиги мажлислар залида ташкил этилган тадбирда ҳоким ёрдамчиларига компьютер жамланмаси ва принтерлар топширилди.

Туман ҳоками Р.Гаппаров ҳоким ёрдамчиларига Давлат раҳбари билдираётган юксак ишончни оқлаб, халқимизнинг фаровонлиги, турмуш тарзини яхшилаш борасида астойидил меҳнат қилишлари лозимлигини айтиб ўтди.

Ушбу замонавий компьютер жамланмалари ҳоким ёрдамчиларининг иш унумдорлигининг ошишига хизмат қилади.